



«_____» _____ 2020 йил

№ _____

Данғара шаҳарчаси

Тумандаги “Navro’z Ko’nchiboy” фермер хўжалигининг 98.4 гектар экин ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476–сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 36-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддасига, Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи комиссияси”нинг 2020 йил 23 ноябрдаги далолатномасига ҳамда тумандаги “Navro’z Ko’nchiboy” фермер хўжалиги раҳбари А.Холиқовнинг фермер хўжалиги тасарруфидаги жами 102.8 га шундан 98.49 га экин ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариб топширишга рухсат сўраб ёзган аризасига асосан;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Navro’z Ko’nchiboy” фермер хўжалиги раҳбари А.Холиқовнинг аризаси қаноатлантирилсин ҳамда Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи комиссияси”нинг 2020 йил 23 ноябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Navro’z Ko’nchiboy” фермер хўжалиги тасарруфидаги 82, 83, 162, 163, 169, 170, 891, 892, 101, 97, 96, 95, 91, 36, 89, 86, 87, 88, 93, 894, 126, 168, 125-контурлардаги жами 102.8 гектар шундан, 98.4 гектар экин ер майдонлари 4.4 гектар боғ майдони туман ҳокимлиги захирасига **қайтариб олинсин** ҳамда 963, 966, 965, 962, 961, 960, 957, 959, 931-контурларидан жами 55,59 гектар, шундан 48,29 гектар суғориладиган, 1,1 гектар йўл, 2,2 гектар ариқ ва зовурлар ва 4,1 гектар бошқа ерлар фермер хўжалиги тасарруфида **қолганлиги** белгилаб қўйилсин.

3. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (О.Умаров)га, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (А.Қўзиев)га, туман Ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Д.Мухаммаджонов)га, туман Давлат Солиқ инспекцияси (А.Шамсиддинов)га, туман Статистика бўлими (Т.Кимсанов)га; туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонига ўзгартириш киритилиши муносабати билан ўз ҳуқуқ доираларидаги вазифаларни бажариш топширилсин.

4. “Navro’z Ko’nchiboy” фермер хўжалиги раҳбари (А.Холиқов)га: туман ҳокимлиги билан “Ерни узоқ муддатли ижарага бериш” шартномасини қайта тузиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Мирсодиқов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Ш.Тожиҳақимов.